

Бақара сураси, 131-оят

17:15 / 28.11.2017 5420

Ўшанда Робби унга: «Мусулмон бўл!» - деган эди, у: «Оламларнинг Роббига мусулмон бўлдим», - деди. Бақара 131.

Улуғ Роббидан нидо келганида, Иброҳим алайҳиссалом иккиланмадилар, ўйланиб ўтирмадилар, балки дарҳол амрни қабул этдилар:

«Оламларнинг Роббига мусулмон бўлдим», - деди».

«Ислом» сўзида «бўйсунуш», «тоат», «ихлос» маънолари бор. Демак, Иброҳим алайҳиссаломнинг динлари, миллатлари - Ислом. Иброҳим алайҳиссалом ўзлари мусулмон бўлишлари билан кифояланиб қолмадилар, балки ушбу Ислом миллатини маҳкам тутишга васият қилдилар.